

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЎЛИҚНИ САЎЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ, НЕОНАТОЛОГИЯ ВА ТИББИЙ ГЕНЕТИКА
КАФЕДРАСИ

IV курс талабалари учун маъруза

Мавзу: **ЗОТИЛЖАМ**

Тузувчи: ПРОФ. КАРИМЖОНОВ И.А.

Тошкент – 2007 й.

Маъруза номи: Зотилжам.

Даволаш куллийети IV курс талабалари учун

Маъруза давомийлиги – 2 соат

РЕЖА

1. Мавзунинг долзарблиги.
2. Зотилжам – этиологияси
3. Зотилжам – патогенези
4. Болаларда зотилжамнинг таснифи
5. Зотилжамнинг ташхиси
6. Зотилжамнинг тийисий ташхиси
7. Зотилжамнинг клиникаси
8. Зотилжамнинг давоси
9. Профилактикаси

АДАБИЁТЛАР:

1. Детские болезни, Н.П.Шабалов. 3-чи нашриёт, –Москва, –2005.
2. Детские болезни, Л.А.Исаев, –Москва, –1994.
3. Клинические лекции по педиатрии. Александров В.А ва хаммуаллифлар «Диля» нашриёти, 2005
4. Султанов Х.К., Каримова М.Н. Болалар касалликлари «Меҳнат», нашриёти 1997.
5. М.А.Абдуллаева, М.Р. Рахимова. Эффективность отхаркивающих средств. Материалы Республиканской научно-практической конференции, 2006

БОЛАЛАРДА УПКА ЗОТИЛЖАМИ

Зотилжам - бу *полиэтиологик* касаллик. Касаллик нафакат инфекция бола организмига ташкаридан туш-ганида, балки юкори нафас йулларидаги узини микрофлара-сини активланиши натижасида келиб чикиши мумкин.

Упка зотилжами - упканинг уткир яллигланиш касаллиги булиб, нафас бузилишлари физикал малумотлар, ренгенда учокли, инфилтратив, сегментар узгаришлар билан намоён булади.

Упка кассалликлари болалар уртасида энг кенг тархалган хасталик. Зотилжам, яни пневония доим болалар улимида асосий сабаблардан бири деб хисобланади.

Анатомо - физиологик белгилар:

Болаларда юкори нафас йуллари тор ва калта, пастки бурун йули йук /4-5 ешларда шаклланади/, шиллик кавати кон ва лимфа томирлари билан куп таминланган.

2. Бурун синуслари /6/ яхши ривожланмаган, шунинг учун хаво яхши иситилмайди ва тозаланмайди.

3. Пирогов лимфатик халкаси яхши ривожланмаган /инфекциядан саклайди/.

4. Трахея, бронх ва упкада эластик тукима суст, бу ателектазга мойиллик яратади.

5. Упкада бириктирувчи тукима, кон ва лимфа томирлари куп ривожланган, лекин сурфактант суст ривожланган

6. Упканинг дренаж функцияси ва экскурсияси суст. Диафрагманинг кам кискариши юзаки нафас олишга олиб келади. Метеоризм, ичаклар парези упка вентиляциясини камайтиради рестриктив нафас етктамовчилиги ривожланади.

Мойиллик факторлари:

1. Болаларда учрайдиган асфиксия, мия жарохати касалликлари, турли аномалиялар;
2. Преморбид фон рахит касаллиги, гипотрофия, эксудатив катарал диатез, анемиялар;
3. Йил фасли хаво тез-тез узгариши, уткир респиратор юкумли касаллар купайган вақтида юзага келади.

ЭТИОЛОГИЯСИ

- 30-40 йилларда зотилжам этиологиясида купрок пневмококлар роль уйнайди.

- 60-70 йилларда стафиллокок.

- 80-90 йилларда яна пневмокок олдинга чикиб олди.

Бугунги кунда зотилжам микроблар ва вируслар ассоциацияси билан чакирилади. *Пневмококлар, стафклококлар, манфий Грам(-) буйича таекчалар, оддий хужайралар, замбуруглар, вируслар(грипп, парагрипп, риновирус ва хоказо)* зотилжами чакириши мумкин. 70% болаларда уткир зотилжам уткир респиратор вирусли касалликларнинг асорати еки куриниши булиши мумкин.

ПАТОГЕНЕЗИ

Зотилжам патогенезида куйидаги процессларга катта ахамият бериш лозим:

1. Инфекцияни организмга тушиши ва уни организмда таркалиши;

2. Нафас етишмовчилигини келиб чикиши, ташки нафас процессларини бузилши, конни газли составини узгариш, гемодинамик узгаришлар ва кислород алмашувини тукималарда бузилиши (тукималар гипоксияси);

3. Иммунологик холат ва алмашувлар процессини бузилиши механизми хар хил органлар ва системаларда.

ЗОТИЛЖАМ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

№	Шакли	Кечиши	Клиник куриниши
1	Учокли		Асоратсиз
2	Сегментар	Уткир 6 - Хафтагача	Асоратли: нафас етзашмовчилиги; найротоксикоз, кардио-респиратор синдром, циркулятор синдром, упка шишиши, деструкция, абсцесс, пиопневмоторакс, отит, менингит,
3	Крупоз	Чузулувчан 7-8 хафта	
4	Интерсти-циал		

Учокли зотилжам

Учокли зотилжам кичик ешдаги ва гудак болаларда купрок учрайди ва уткир респиратор юкумли касалликлардан сунг келиб чиқади. Аввало катарал узгаришлар пайдо булади: бурун битиши, акс уриш, йутал, субфебрил температура, умумий ахволни узгариши (болалар инжик булиб қолади, уйкуси ва иштахаси йуқолади). Териси оқаради, огиз атрофида цианоз булади. Упкада перкутор товуш узгаради кискарада, кучаяди, аускультацияда дагал нафас ва хириллашлар эшитилади. Конда лейкоцитоз, лимфоцитоз булади, ЭЧТ ошади. Рентген текширувида эмфизема (кенг кукрак суякларини ораси, диафрагма пастга тушиши), упка илдизини кучайиши геперемия ва инфильтрация бронхлар ва томирлар усти тукималарда, майда учокли соялар орқа ва олдинги булимларда куринади.

СЕГМЕНТАР

ЗОТИЛЖАМ

3-7 ешдаги болаларда купрок учрайди. Бу шаклдаги зотилжамни кечиш жараени нисбатан енгилрок, сегментар яллигланиш кузатилади, рентгенологик текширувларда соялар куринади

КРУПОЗ ЗОТИЛЖАМ

Крупоз зотилжам купрок мактаб ешдаги болаларда учраб, огир кечади. Касаллик тусатдан, кескин бошланади, иситма тез кутарилади, йутал пайдо булади, балгам ажралмайди, кукракда огрик булади. Упкада хириллашлар булади, крепитация эшитилади.

ИНТЕРСТИЦИАЛ ЗОТИЛЖАМ

Бу турдаги зотилжамни асосан *вируслар, пневмоцистлар, микоплазма ва замбуруглар* чакиради. Купинча чакалокларда, чала тугилган еки гипотрофия, анемия, рахит ва бошка касаллар билан касланган нимжон болаларда учрайди. Беморни умумий ахволи тез огирлашади, бурун парраклари керилади, нафас олиш шовкинли булади, кукариш пайдо булади. Бунинг сабаби шундаки, асосий жараен упканинг кушимча - ораллик тукумасида боради ва буни рентген текширувида курса булади, упка илдизи инфилтрацияланган, упка турсимон (ячеистый), соялар курунмайди.

Асоратсиз - клиник куруниши (бутун процесс упкада), интоксикация белгилари йук, нафас етишмовчилиги I-даражада, енгил цианоз бола йиглаганда ва безовта булганида кузатилади.

Асоратли шакли - I. Нафас етишмовчилиги асосан уткир зотилжамда рестриктив характерли булади, яни упкани хажми ва чузулувчанлиги камайиши туфайли.

Бундан ташкари упкада вентиляция ва кон айланшини хар хил зоналарида катта ахамиятга эга.

Нафас етишмовчилигини 3 та даражаси бор: I-даражасида нафас сикиш факат характ килганда пайдо булади, II-даражасида - Нафас сикиш, цианоз, упкани хаеий хажми камайиши тинч, харакатсиз холда хам куузатилади; III-даражасида нафас олиш резерви кескин камаяди, нафас олиш тури узгаради ва упканинг хаеий хажми пасайиб кетади.

Нейротоксикоз сидромли зотилжам нерв скстемасининг интоксикацияси (захарланиш) билан ифодаланади: бола безовта, иссиги баланд, 39,5, иштаха йук, териси окаради (мраморный рисунок), оеклари совук булади, тахикардия, нафас олиш тезлашади, бола кусади. Гипертермия, талвасалар, менингеал симптомлар мусбат булади., тез-тез кусиш такрорланади. Бу холат 4-6 соатдан 1-2 кунгача давом этиши мумкин.

Бронхо-обструктив синдром

купрок 1 ешгача булган эксудатив-катарал диатезлик болаларда учрайди. Нафас етишмовчилиги биринчи уринга чикади, интоксикация камрок, кучли цианоз, кучли хириллаш, орал хириллаш, хириллашлар асосан экспиратор турида кузатилади. Аускультацияда - упкада куп курук ва нам хириллашлар эшитилади, бронхиололар кискариши ва торайиши касалликни негизида етади.

СТАФИЛАКОККЛИ ЗОТИЛЖАМ

Бирламчи касаллик сифатида юкумли омиллар аэроген (bronхоген) йул билан упкага тушганда еки иккиламчи хасталик сифатида бошка аъзоларнинг стафилококкли касалликларидан кон оркали организмда таркалиб, стафилококклар упка тукумасига келиб тушганда келиб чикади.

Стафилококклар бир катор ферментлар ва токсинлар ишлаб чикади ва хар хил орган ва системаларга таъсир этиб касалликни огир кечишига олиб келади.

Касаллик тез авж олади, тана харорати 39-40, ранги окаради, тошмалар баданда пайдо булади, кусиш, ич кетади, рентгенологик текширишда деструкция курунади халкасимон хаволи бушликлар пайдо булади, плевра булимига очилиб

ПНЕВМОТОРАКСГА олиб келади.

Киёсий ташхис

- Уткир респиратор юкумли касалликлар, бронхитлар;
- Туберкулез;
- Муковисцидоз;
- Нафас йулларидаги ет жисмлар;
- Уткир аппендицит

Даволаш

- *Каравотдаги режим*
- *Овкатланиш тартиби*
- *Антибактериал даволаш*
- *Синдромал даволаш*
- *Умумий кувват берувчи даволаш*

Зотилжам билан огриган беморларни диспансер назоратига олиш

Диспансер назоратига упка зотилжами билан огриган 3 ёшгача булган болалар олинади, ва зотилжам емон фонда яни (рахит,анемия, эксудатив ва лимфатик гипопластик диатез, гипотрофия, иммуноетишмовчиликлар) булган вақтда назоратга олинади 1 йил мобайнида.

Бу вақт ичида хар 3 ойда стимуляция киладиган препаратлар берилади (*дибазол,пентоксил,женшень,элеутерококк,алоэ.витаминлар*).Массаж, даволаш гимнастикаси,чиниктириш, физио ва аэрозоль терапия утка зилади.1-3 ойлик болалар ойда шифокор куригида булади, 1 ешгача ойига 1 марта, 1-3 ёшда - 2 ойда 1 марта,3 ешдан катталар- ахволига караб ва реконвалесценция утиши, кварталга 1 марта курилади.